2012 йил 28 май, душанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 104 (12.165)

Баҳоси эркин нархда

**Хабар қилинганидек, Навоий шаҳрида умумий таълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари – 2012» республика спорт ўйинлари якунланди**



«Умид ниҳоллари – 2012»



## ХОРАЗМ ВИЛОЯТИДА УЧРАШГУНЧА!

...Навқирон авлоднинг спорт ва ёшлик байрами – «Умид ниҳоллари – 2012» муносабати билан қад ростлаган муҳташам марказий стадион яна меҳмонлар ва спорт мухлислари билан тўлди. Байрамона безатилган стадион узра «Умид ниҳоллари – 2012» машъаласи ёрқин нур сочмоқда.

Майдонга мусобақаларда иштирок этган Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳри терма жамоалари вакиллари кириб келади.

«Умид ниҳоллари – 2012» спорт ўйинларининг тантанали ёпилиш маросими ғолибларни тақдирлаш билан бошланади.

Кескин ва муросасиз курашлар остида ўтган мусобақада умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллаган Тошкент шаҳри жамоаси бош соврин – Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари қатнашчиларига табригининг асл нусхаси ва «Дамас» автомобили билан тақдирланди.

Умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаган Навоий вилояти ва учинчи поғонадан жой олган Самарқанд вилояти жамоаларига мамлакатимиз Президенти совғаси – «Дамас» автомобиллари топширилди.

Мусобақаларда алоҳида маҳорат кўрсатган, ғалабага интилишини намоён этган бир гуруҳ ўқувчилар махсус совринлар билан тақдирланди.

– Спорт ва дўстлик байрами – «Умид ниҳоллари – 2012» бир умрга ёдимда қолади, – дейди белбоғли кураш бўйича «Умид ниҳоллари – 2012» спорт ўйинлари олтин медали соҳиби наманганлик Абдурасул Ҳабибуллаев. – Якуний босқич беллашувлари унутилмас воқеалар ва рекордларга бой бўлди. Мусобақалар ўқувчи-спортчиларнинг маҳорати юксалаётгани ва мамлакатимизнинг барча ҳудудларида спорт изчил ривожланаётганини кўрсатди. Бу – Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида биз, ёшларнинг спорт билан шуғулланишимиз, ўз истеъдодимизни кенг намойиш этишимиз учун яратилаётган улкан имкониятлар самарасидир.

– Мусобақаларда вилоятимиз ёшларининг умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни эгаллаб, давлатимиз раҳбарининг совғаси – «Дамас» автомобилини қўлга киритишига мен ҳам ўз ҳиссамни қўшганимдан хурсандман, – дейди «Умид ниҳоллари – 2012» мусобақаларининг шахмат бўйича олтин медали совриндори навоийлик Моҳинур Қаҳрамонова. – Ўқувчи-ёшларнинг ҳақиқий спорт байрамига айланган мазкур мусобақалар муносабати билан Навоийда бунёд этилган замонавий спорт иншоотлари давлатимиз раҳбарининг биз, ёшларга кўрсатаётган доимий ғамхўрлиги ва эътиборининг амалдаги яна бир ифодасидир. Буларнинг барчаси навқирон авлоднинг жисмонан соғлом, маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади.

«Умид ниҳоллари» – Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш мақсадида ўқувчи ва талабаларни спорт машғулотларига узлуксиз жалб этиш мақсадида яратилган уч босқичли спорт тизимининг дастлабки бўғинидир. Мазкур ноёб тизим мусобақалари муносабати билан мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида барпо этилган замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган спорт мажмуалари, болалар спорти иншоотлари, стадионлар, спорт майдонлари, гимнастика марказлари, мактаб ва коллежларнинг спорт заллари ёшларимиз учун улкан имкониятлар яратмоқда. Барча спорт иншоотларини замонавий спорт анжомлари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Спортни оммалаштириш, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўлами тобора кенгаймоқда.

«Умид ниҳоллари – 2012»нинг якуний босқичида туман, шаҳар, вилоят миқёсидаги беллашувларда ўз иқтидори ва қобилиятини намойиш этган энг сара ўғил-қизлар спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди. Олимпия ўйинлари талабларига қатъий риоя қилинган, холислик, ҳалоллик, адолат, ўзаро дўстлик ва бирдамлик каби қадриятлар бош мезон бўлган беллашувларда иштирокчиларнинг кўрсаткич ва натижалари тобора ўсиб бораётгани қайд этилди, кўплаб рекордлар ўрнатилди. Бу, ўз навбатида, мамлакатимиз спорт захираси иқтидорли ёшлар билан тўлиб бораётгани, ўғил-қизларнинг спорт соҳасидаги имкониятлари ва салоҳияти юксалаётганидан далолатдир.

«Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод» ва Универсиада минг-минглаб ёшларимиз учун спорт оламида энг юксак марраларни эгаллашда ўзига хос парвоз майдони вазифасини ўтамоқда. Бундай самарали тизим фарзандларимизни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан етук, иродаси бақувват, имон-эътиқоди мустаҳкам инсонлар этиб вояга етказишда, қатъият ва мардлик руҳида тарбиялашда чиниқиш ва маҳорат мактабига айланиб бормоқда. Зеро, бугунги кунда халқаро спорт майдонларида, Олимпия ўйинлари, жаҳон ва Осиё чемпионатларида Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилаётган маҳоратли спортчиларимизнинг деярли барчаси илк бор ўқувчи ва талабалар ўртасидаги ана шундай мусобақаларда кашф этилган.

(Давоми 4-бетда)

## ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

***Тошкентда Ўзбекистон-Жанубий Корея илмий-тиббий семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Корея Республикаси соғлиқни ривожлантириш институти ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизими мутахассислари, Жанубий Корея тиббиёт муассасаларининг тажрибали шифокорлари, эксперт ва олимлар иштирок этди.***

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири Адҳам Икромов, Жанубий Корея соғлиқни ривожлантириш институти президенти Ко Кён Хва, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Де Ван ва бошқалар Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча жабҳаларда, жумладан, тиббиёт соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз тиббиёт тизимида олиб борилаётган изчил ислоҳотлар аҳолини тиббий-ижтимоий ҳимоялаш, тиббий хизмат сифатини янада юксалтириш, шифо масканларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни муҳофаза этиш ишларида муҳим омил бўлмоқда. Мазкур йўналишда халқаро ҳамкорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада Жанубий Корея соғлиқни сақлаш муассасалари билан яқин ҳамкорликда амалга оширилаётган қўшма лойиҳалар бунинг ёрқин тасдиғидир.

(Давоми 2-бетда)

***Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Олий ҳарбий божхона институтида «Божхона органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий муаммолари» мавзуида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.***

## БОЖХОНА ХИЗМАТИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси, Банк-молия академияси, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети, Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Тошкент давлат юридик институти, Солиқ академияси, қатор илмий тадқиқот муассасаларининг олим ва етакчи мутахассислари, тадқиқотчи ва магистрлари, божхона органлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раисининг ўринбосари Р.Мансуров ва Олий ҳарбий божхона институти бошлиғининг биринчи ўринбосари А.Суюнов Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларидан бири ва муҳим таркибий қисми бўлган божхона иши назарияси ҳамда амалиётини такомиллаштириш масалаларига доимий эътибор қаратиб келинаётганини алоҳида таъкидладилар.

Давлат божхона қўмитаси органлари олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларнинг муваффақиятли ҳамда самарали ҳал этилиши кўп жиҳатдан кадрларга, Ватан манфаатларини ҳамма нарсадан устун қўядиган юқори малакали мутахассисларни тайёрлашга боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг 2003 йилда ташкил этилган Олий ҳарбий божхона институти барча жаҳон стандартлари талабларига жавоб беради, замонавий моддий-техника базасига эга бўлиб, ўзига хос зарур ускуналар билан жиҳозланган. Институтда замон талаблари асосида жиҳозланган 11 та кафедра, бир нечта компьютер хонаси, криминалистика лабораторияси ва ўқув хоналари мавжуд.

Анжуманда мамлакатимиз иқтисодий тараққиётида божхона хизматининг ўрни, Ўзбекистонда божхона назорати самарадорлигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар, ташқи иқтисодий алоқалар соҳасида давлат бошқаруви органларини ташкил қилиш асослари ва уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлашга бағишланган маърузалар тингланди ҳамда муҳокама қилинди.

**Роман БОНДАРЧУК,**
**ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Тошкент банк коллежида Юртбошимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарини ўрганиш юзасидан тадбир бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Телеминорасида «Ҳар бир фарзандга меҳр, эътибор!» шиори остида 1 июнь – Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб байрам тадбири ўтказилади.

✓ **ЭРТАГА** Тошкент Автомобиль йўллари институтида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» мавзуида илмий-амалий анжуман уюштирилади.

✓ **ТОШКЕНТ**да Жанубий Кореядан Ўзбекистонга сайёҳларни жалб этиш йўллари ва икки мамлакат ўртасида тиббиёт туризмини ривожлантириш истиқболларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

✓ **31 МАЙ КУНИ** «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Учтепа тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида «Ўрикзор» ихтисослаштирилган бозори ҳудудида «Бахтли болалик» шиори остида маданий хайрия акцияси ўтказилади.

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**● Хоразм вилояти адлия бошқармаси томонидан ташкил этилган анжуман Президентимизнинг 2012 йил 10 апрель куни қабул қилинган «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш масаласига бағишланди. Унда тадбиркорлик субъектлари ва қўшма корхоналар вакиллари, божхона, солиқ, банк муассасалари ходимлари иштирок этди.**

**● Самарқанд шаҳридаги Сиёб педагогика ва спорт коллежида 9-синф битирувчиларини таълимнинг кейинги босқичи – коллеж ва академик лицейларга тўла жалб этиш мақсадида «Мутахассислик – сенинг келажагинг» мавзуида кўргазма ўтказилди. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, халқ таълими, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармалари ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда Самарқанд шаҳри ва туманидаги умумтаълим мактаблари битирувчилари, уларнинг ота-оналари қатнашди.**

**● Қорақалпоғистон Республикасининг Қўнғирот туманида ғалла ҳосилини ўриб-йиғиб олишда фавқулодда вазиятларда ҳаракат қилиш ҳудудий қуйи тизим хизматларининг ҳамкорликдаги ҳаракатига бағишланган ўқув-машғулот ўтказилди. Тадбирда тегишли ташкилотлар мутасаддилари, туманлар ҳокимлари, ғалла ўриш отрядлари ҳамда фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирок этди.**

**● Наманган шаҳрида «Кичик бизнесда тўқимачилик саноати: амалий тажриба ва истиқболлар» мавзуида республика анжумани ўтказилди. Анжуман доирасида Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларида фаолият кўрсатаётган бир қатор тўқимачилик корхоналари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўргазмаси ҳам ташкил этилди.**

**● Қарши санъат коллежида «Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик» мавзуида илмий-амалий семинар ўтказилди.**

### ЖАҲОНДА

**● Францияда Баск айирмачиларининг етакчилари қўлга олинди.**

**● Куба марказида кучли сув тошқинлари рўй берганлиги сабабли 8 мингга яқин киши хавфсиз жойларга кўчирилди.**

**● Кеча Покистоннинг жануби-ғарбида амалга оширилган террорчилик ҳаракати натижасида 3 киши ҳалок бўлди, 6 та одам тан жароҳатлари олди.**

**● Кеча Ирландияда ўтказилаётган автопойгалар пайтида машиналардан бирининг мухлисларга келиб урилиши натижасида 2 киши ҳаётдан кўз юмди, 7 та одам жароҳатланди.**

**● Испаниялик олимлар тез-тез қаҳва ичиб туриш бош мияга қон қуюлишининг олдини олади, деб таъкидлашмоқда. Кунига уч пиёла қаҳва ичиш мазкур хасталикка чалиниш хавфини йигирма фоизга қисқартиради. Мутахассисларнинг айтишича, қаҳвадаги кофеин ва бошқа кимёвий моддалар инсон организмида қон айланишини яхшилайди.**

**● Данияда қандли диабет хасталигига чалинган беморлар сони кескин ошмоқда. Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг тарқатган маълумотларига қараганда, бу касалликка чалинганларни даволаш мамлакат учун жуда қимматга тушмоқда. Хабарларга кўра, Данияда сўнгги 10 йил ичида бундай беморлар сони саксон фоиз ошган. Шифокорлар бу кўрсаткич яқин орада янада ўсиши мумкинлигини таъкидламоқда.**

***Мамлакатимизда кейинги пайтларда ишбилармонлик, хусусан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалаларига жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу борада ижобий натижаларга эришишда ОАВларининг ўзига хос ўрни ва аҳамияти бор.***

Анжуманлар

# ОИЛАВИЙ ТАДБИРКОРЛИК РИВОЖИ ЙЎЛИДА

«Shodlik Palase» меҳмонхонаси анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамкорлигида ўтказилган конференция ҳам «Аҳолини оилавий тадбиркорликка кенг жалб қилишда ОАВнинг ўрни ва роли» мавзусига бағишланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатлари, Савдо-саноат палатаси, Марказий банк, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди, «Камолот» ЁИҲ масъул ходимлари ҳамда республикамиздаги йирик босма ва интернет нашрлари, ахборот агентликлари ходимлари иштирок этган конференцияда мамлакатимизда оилавий тадбиркорликни ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар, аҳолининг бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик билан шуғулланаётган оилаларни молиявий рағбатлантириш ва уларга яратилаётган имтиёзлар мазмун-моҳияти билан жамоатчиликни яқинроқ таништириш, ўз тадбиркорлигини самарали йўлга қўйган оилалар тажрибасини оммалаштириш ва бу йўлда ОАВ фаоллигини ошириш ва журналистлар масъулиятини кучайтириш масалалари хусусида сўз борди.

Тадбир давомида иштирокчиларга оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий асослари, соҳага берилаётган қўшимча солиқ имтиёзлари, бизнес ташаббусларини молиялаштиришда банк кредитларидан самарали фойдаланиш, оилавий тадбиркорликнинг ҳунармандчилик, касаначилик, қишлоқ хўжалиги борасидаги фаолиятларини йўлга қўйиш, ёшлар, хусусан, ёш оилаларнинг бизнес лойиҳаларини амалга оширишларида фуқаролик жамияти институтлари, жумладан, нодавлат нотижорат ташкилотларининг кенг кўламли чора-тадбирлари ҳамда бу борада маҳаллаларда амалга оширилаётган ишлар юзасидан тегишли маълумотлар берилди.

Анжуманда таъкидланганидек, «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастурига мувофиқ бугунги кунда тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш, жумладан, уларнинг бизнес лойиҳалари учун имтиёзли кредитлар ажратилишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу йўналишни ривожлантириш учун жорий йилда беш триллион сўмдан кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, шундан бир триллионини микрокредитлар ташкил қилади. Эндиликда бизнес режаси тасдиқланган оилалар энг кам иш ҳақининг 200 бараваригача пул маблағларини кредитга олиш имконига эгалар. Марказий банкнинг маълумотларига кўра, 2012 йилнинг май ойига қадар ёш оилаларга ўз бизнесини йўлга қўйиш учун ажратилган кредитлар ҳажми 23,6 миллиард сўмни ташкил қилди. Шунингдек, бугун иқтисодиётимизнинг жадал ривожланиб бораётган тармоқлари сирасида хотин-қизлар тадбиркорлиги ҳам алоҳида ўрин тутаётганлиги, улар учун ажратилган маблағлар миқдори 129,5 миллиард сўмни ташкил этаётгани ҳам оилавий бизнес ривожига кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яна бир намунасидир.

Конференция сўнггида журналистлар мавзуга оид ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди, фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

**Отабек ОТАЁРОВ**



***Юртимизда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар тиббиётнинг барча соҳалари қаторида ҳамширалик соҳасини янада ривожлантириш, малакали етук кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришда муҳим омил бўлмоқда.***

Танловлар

# МАЛАКАЛИ ҲАМШИРАЛАР БЕЛЛАШДИ

Ўзбекистон Миллий академик драма театрида бўлиб ўтган «Ҳамшира — 2012» кўрик-танловининг шаҳар босқичида ҳам юқоридаги амалий саъй-ҳаракатларнинг яна бир карра гувоҳи бўлдик. Ушбу тадбир Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмалари, «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши, Саломатлик ва тиббий статистика институти шаҳар филиали ҳамкорлигида ташкил этилди.

— «Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури ва Президентимизнинг 2009 йил 1 июлдаги «2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида» ги Қарори асосида тиббий-ижтимоий соҳадаги ишлар кўламининг янада кенгайтирилаётгани ҳамширалар зиммасига ҳам алоҳида масъулият юклайди, — дейди Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш бош бошқармаси оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўлими бошлиғи Раъно Ҳайитбоева. – Мазкур танлов, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада ривожлантириш, аҳоли, айниқса ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, тиббиёт ходимлари, хусусан, ҳамшираларнинг билим ва малакаларини ошириш, уларнинг истеъдод ва ижодий қобилиятларини намоён этишларини рағбатлантириш мақсадида ўтказилмоқда. Анъанавий тарзда уюштирилаётган танлов ҳамшираларнинг бундан кейинги фаолиятларида ҳам муҳим бир дастуруламал вазифасини ўтайди. Уларнинг ўз ишларига бўлган меҳрини ва масъулиятини янада оширади, сидқидилдан хизмат қилишга чорлайди. Оқ халат кийган ҳар бир ҳамширанинг, либоси каби кўнгли ҳам тоза, ўзи тийрак ва зукко, уддабурон бўлиши лозим. Зеро, ҳаётда инсон саломатлигидан муҳим нарсанинг ўзи йўқ. Ҳамширалар эса бу ишда энг асосий етакчи ёрдамчилар ҳисобланади.

Бугунги кунда шаҳримиздаги шифо масканларида қарийб 19 минг нафар малакали ҳамширалар аҳолига тиббий хизмат кўрсатмоқдалар. Уларнинг билим, тажриба ва кўникмаларини ошириб бориш, фаолиятларига жаҳон тиббиётининг илғор услубларини кенг жорий этиш мақсадида бир қатор илмий-амалий лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Жумладан, тиббиёт коллежларида йўлга қўйилган «Устоз-шогирд», «Коллеж-битирувчи-корхона» тизими малакали мутахассислар тайёрлаш самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Ҳамшира ташрифи, тиббиётга доир назарий ва амалий билимлар, ижтимоий-сиёсий ва бадиий кўрик доирасидаги бешта шартдан иборат бўлган танловда ҳамширалар ўзларининг тиббиёт соҳасидаги билимларини намойиш қилиш билан бирга, бошқа соҳаларга оид иқтидорларини ҳам кўрсатиб бердилар.

Танловда, Шаҳар тез тиббий ёрдам кўрсатиш клиникаси терапия бўлими ҳамшираси Саодат Низомиддинова биринчи ўринни қўлга киритди.

Чилонзор туманидаги 38-оилавий поликлиника ҳамшираси Исминоза Ҳамзаева иккинчи, Олмазор туманидаги 2-туғруқ комплекси ҳамшираси Ноила Толипова учинчи ўринга сазовор бўлди.

Танлов сўнггида ғолибларга диплом ва эсдалик совғалари топширилди.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: «Ҳамшира -2012» кўрик-танловининг шаҳар босқичидан лавҳа**

**Козим Ўлмасов олган сурат**

# ҲАМКОРЛИК РИВОЖЛАНМОҚДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётир. Халқимизнинг соғлом ва муносиб ҳаёт кечиришини таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, жисмоний ва маънавий соғлом авлодни тарбиялаш, фармацевтика маҳсулотларини юртимизда ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча зарур шароитлар яратилган. Давлатимиз раҳбарининг 1998 йил 10 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони соҳани тубдан ислоҳ этишда муҳим омил бўлаётир.

Анжуманда кореялик олим ва мутахассислар Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида, хусусан, кардиология, жарроҳлик, онкология ва ортопедия каби йўналишларда амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида қўлга киритилаётган ютуқларга юксак баҳо бердилар. Мамлакатимизда фаолият юритаётган ўнта республика ихтисослаштирилган илмий-амалий тиббий марказда юқори малакали кадрлар аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатмоқда. Жумладан, кореялик шифокорлар билан ҳамкорликда пластик хирургия, стоматология, травматология, ортопедия ва кардиожарроҳлик йўналишлари бўйича қатор жарроҳлик амалиётлари амалга оширилди.

– Ўзбекистонда тиббиёт соҳасида эришилган ютуқларга ҳавас қилса арзийди, – деди Сеул болалар шифохонаси президенти Нох Чанг. – Биз бир неча йилдан буён мамлакатингизнинг болалар шифохоналарида ўтаётган операцияларда иштирок этиб, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан тажриба алмашмоқдамиз. Ўзбекистон шифокорларининг юксак маҳорати ва болалар саломатлигини асраш бўйича ёндашувлари таҳсинга лойиқ. Бугунги кунда мамлакатингизда болаларда учрайдиган туғма юрак нуқсони хасталигининг барча турларини жаҳон андозалари даражасида даволаш ва болаларга соғлом ҳаёт бахш этишга эришилмоқда. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт тизимини ривожлантириш бўйича босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар самарасида шаклланган замонавий тиббиёт масканлари бундай улкан ютуқларда муҳим омил бўлаётир.

Анжуманда Ўзбекистон билан Жанубий Кореянинг тиббиёт муассасалари ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш, олим ва мутахассисларнинг ўзаро фикр ва тажриба алмашишини янада фаоллаштириш, туғма юрак касаллиги мавжуд беморларни кардиологик ва жарроҳлик йўли билан даволаш, кўкрак бези ва ошқозон саратонини жарроҳлик йўли билан даволаш ва бу борадаги сўнгги ютуқлар, Жанубий Кореяда роботлаштирилган жарроҳлик, ортопедияга оид мавзуларда маърузалар тингланди.

Семинар доирасида кореялик тиббиёт мутахассислари мамлакатимиздаги Республика ихтисослаштирилган кардиология, эндокринология илмий-амалий тиббиёт марказлари, Республика онкология илмий маркази, Тошкент педиатрия тиббиёт институти, Травматология ва ортопедия илмий текшириш институти каби қатор тиббиёт муассасаларида бўлиб, мамлакатимиз мутахассислари билан тажриба алмашадилар, ҳамкорликда жарроҳлик амалиётларида иштирок этадилар.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришда компьютерлаштириш ва ахборот технологияларининг ўрни ва аҳамияти жуда муҳим. Бинобарин, ушбу соҳани ахборотлаштириш самарали тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва ахборот тизимларини яратишни тақозо этади.***

# КОМПЬЮТЕРЛАШТИРИШ САМАРАСИ

Кейинги йилларда компьютер ва ахборот технологиялари кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳасига кириб, ишбилармонларнинг ажралмас қуролига айланганлиги бежиз эмас.

Олмазор туманида фаолият кўрсатаётган «Нурали — Х.А.Н» масъулияти чекланган жамияти жамоаси ҳам компьютерлаш туфайли самарадорликка эришмоқда. Бунда корхонани кенгайтириш, ишлаб чиқариш қувватини ошириш асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Нон ва нон маҳсулотларини ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган бу корхонада ахборот тизимларини шакллантириш орқали сифат кўрсаткичлари янада яхшиланди. Бу ерда кунига 4 тонна ундан 5-6 минг дона нон тайёрланиб, сотувга чиқарилмоқда. Бухгалтерия ҳисоботлари, молиявий ахборотлар корхонанинг дастурий таъминотлари асосида йўлга қўйилди. Нон «ФП» печида ёпилади. Қурилманинг ташқи томонида электрон табло ўрнатилган. Унда печдаги ҳарорат, намликнинг даражаси автоматик равишда бошқариб борилади. Иш ҳажмини кенгайиб бораётганлиги инобатга олиниб, яна 2 та компьютер қурилмаси харид қилинди.

**Озод АКБАРОВ**

Фан

# МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ

***Кейинги йилларда Тошкент Давлат техника университети ёш олимлари илмий изланишларнинг аксарияти амалиётга татбиқ қилинмоқда. Нисбатан кичик объектлар учун ноанъанавий, муқобил энергия манбалари қурилмаларини яратиш устида ҳам самарадорликка эришилди.***

«Электротехника, электромеханика ва электротехнологиялар» кафедрасида тадқиқ қилинган ушбу лойиҳа саноатда, қишлоқ хўжалигида ва маиший секторда энергия тежамкорлигини йўлга қўйишда қўл келмоқда. Қуввати 5 квт.гача бўлган комбинациялашган энергетик қурилмалар «Микро ГЭС — Қуёш», «Микро ГЭС» каби номлар билан аталмоқда. Улардан алоҳида истеъмолчилар кенг фойдаланмоқдалар.

# САМАРАЛИ ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР

***Ўзбекистон Миллий университети олимлари томонидан кейинги беш йилда 100 дан ортиқ монография ва йирик тадқиқот ишлари яратилди. 30 дан ортиқ илмий изланиш патентлаштирилди.***

Жумладан, қон тўхтатишда қўлланиладиган «Полиметакрилин» препаратига юқори баҳо берилди.

Бундан ташқари, сут, гўшт, парфюмерия, косметика ишлаб чиқаришда фармацевтикада қўлланиладиган «Пепсин» препарати энг яхши ихтиро деб баҳоланди. Ўрта Осиёда кенг тарқалган сафоро авлодига мансуб ўсимликлардан ўндан ортиқ туридан 30 га яқин алкалоид ажратиб олинди. Эътиборли томони шундаки, уларнинг 20 дан ортиғи янги, биринчи маротаба кашф этилган.

# СЕРҲОСИЛ НАВЛАР

***Тошкент Давлат аграр университети илмий ва амалий тадқиқотлар маркази кейинги беш йиллик фаолиятини сарҳисоб қилди.***

Олий ўқув юрти олимлари томонидан пахтанинг «ТошДАУ — 2», «Андижон — 77», «Умид» навлари яратилиб, амалиётга татбиқ қилинди. Полизчилик соҳасидаги изланишлар натижаси ўлароқ қовун, тарвуз, 5 та помидор ва ўндан ортиқ бодринг навлари ҳам юзага келди.

Талабалар илмий жамияти йўли билан олиб борилган илмий изланишлар ҳақида ҳикоя қилувчи тўплам ҳам чоп этилди.

# ФИЛИАЛНИНГ ДАСТЛАБКИ ЮТУҚЛАРИ

***Мамлакатимизда оптик толали алоқа линиялари катта масофани қамраб олмоқда. «Ўзбектелеком» акциядорлик компаниясининг манзилли дастурига асосан қурилиш лойиҳаси ҳам амалга оширилмоқда.***

Мазкур қурилиш лойиҳаси ижроси учун эса «Телеком Инвест» филиали пудратчи этиб тайинланди.

Гап шундаки, «Телеком Инвест» филиали 2011 йилда ўз фаолиятини бошлаган эди. Шу қисқа вақт ичида пудратчи жамоа бир неча йирик иншоотларда фаол қатнашиб, дастлабки ютуқларни қўлга киритди.

— Биз «Жиззах-Булунғур» объекти ишларини ҳам ўз вақтида адо этдик, — дейди жамоа бошлиғи Рустамжон Умаров. — Республика инвестиция дастурига киритилган яна қатор бунёдкорлик иншоотлари ҳам фойдаланишга топширилди. Ургут-Шаҳрисабз оптик толали алоқа линияси қурилиши қисқа муддатда тугалланди.

Бунёдкорлик ишларини тез ва соз амалга ошириш учун зарур техника воситалари билан таъминланди. Эндиликда филиал 2 та ҳандақ қазигич, 1 та экскаватор, 2 та «Газел» автотранспортига эга. Йил охиригача оптик толали алоқа линияларини ётқизиш лойиҳаси адо этилади.

**Акбар АЛИЕВ**

Янги лойиҳалар

# ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ, АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ

## навбатдаги «Қабул куни»нинг бош мавзуси бўлди

***Бу галги «Қабул куни» аҳолининг талаб ва истакларидан келиб чиқиб ташкил этилди, десак муболаға бўлмайди. Зеро, бугунги кунда нафақат Ўзбекистон миқёсида, балки бутун дунёда ҳам аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш глобал даражадаги масала - муаммолардан саналади. Янги иш ўринлари яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини келгусида ўз мутахассисликларига кўра ишга жойлаштириш, бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари, «Камолот» ЁИҲ ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар ҳақидаги саволлар навбатдаги «Қабул куни» мавзулари бўлди.***





«Қабул куни»ни бошлаб берар экан, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Фазлиддин Зияев аввалambор, Юртбошимизнинг шу йил 16 март куни халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқларида ушбу масалага алоҳида эътибор қаратганликларини таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, Президентимиз ушбу маърузаларида жумладан, шундай деган эдилар: ***«Аҳолини иш билан банд этиш масаласида ҳам Тошкент шаҳрида муаммолар кам эмас. Одамларнинг ҳаётга, давлатга, ҳокимиятга жуда кўп талаблари бор, лекин улар орасида бир ҳаққоний талаб борки, уни ҳеч ким инкор эта олмайди. Бу – ҳар қайси одамнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлаш, унга ўз қобилият ва истеъдодига муносиб иш топиб бериш масаласидир. Бу – биринчи навбатда маҳаллий ҳокимият, тегишли давлат идораларининг энг асосий вазифасидир».***

Юртбошимиз такрор-такрор таъкидлаганларидек, ***«Аҳолини, аввалambор ёшларимизни иш билан таъминлаш муаммосини ечиш, ҳеч шубҳасиз, халқимизнинг ҳаёт даражасини оширишда, юртимизда барқарорликни мустаҳкамлашда, одамларни рози қилишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини асло унутмаслигимиз керак».***

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳридаги бандлик хизмати идоралари ўз ишларини тубдан қайта кўриб чиқишлари зарурлиги ҳақидаги куйиниб айтган гаплари ҳокимлик ва мутассадди ташкилот раҳбарларига катта масъулият юклайди, албатта.

Ушбу ҳолатлар ҳақида тўхталиб ўтгач, шаҳар ҳокимининг ўринбосари жорий йилда мазкур масала юзасидан ҳокимлик ва тегишли хизматлар томонидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар, белгилаб олинган вазифалар ва уларнинг ижросига батафсил тўхталиб ўтди. Жумладан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори бу борадаги ишларни муайян тизимли равишда олиб боришга қаратилган ҳужжат сифатида хизмат қилмоқда, деди ўз сўзида. Мазкур қарорга мувофиқ, жорий йилда жами 81 253 нафар ишчи ўринлари яратиш кўзда тутилмоқда. Меҳнат органлари томонидан 5564 нафар ишсизларни касбга тайёрлаш, малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, 47 марта бўш (вакант) иш ўринлари ярмаркаларини ташкил этиш, шаҳарда фаолият олиб бораётган тижорат банклари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг иш ўринлари яратишни таъминлайдиган бизнес-лойиҳалари учун катта миқдорда кредитлар ажратиш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш ўринлари очишни таъминлайдиган бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга эса 97630 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратиш кўзда тутилган.

Ушбу қарорнинг ижроси ҳозирги кунда ҳокимликнинг ҳафталик йиғилишида изчил равишда назорат қилиб борилмоқда. Шу ўринда касб-ҳунар коллежларининг битирувчиларини ишга жойлаштириш масаласи долзарб мавзу сифатида кун тартибидан жой олганлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз. Бу жуда жиддий ва масъулиятли вазифа сифатида тегишли идоралар раҳбарларининг доимий эътиборини талаб этиши ҳам турган гап. Шу маънода, жорий йилда пойтахтимизда жойлашган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни битирадиган ёшларнинг қизиқишлари, кейинги ҳаётини қандай давом эттирмоқчи эканини бугун барча мутасаддиларнинг эътиборида десак муболаға бўлмайди. Ҳоким ўринбосари қабулида бу борада маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан белгилаб олинган чора-тадбирларга ҳам алоҳида тўхталиб ўтилди. Хусусан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг «Маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойиши ўзига хос дастуриламал бўлмоқда. Унга кўра, аҳолининг турмуш шароитини янада яхшилаш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда маҳаллалардаги кам таъминланган оилаларни тадбиркорликка жалб қилиш бўйича туманлар ҳудудидаги ҳар бир маҳаллада МФЙ раиси, раиснинг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси, маҳалладаги обрўли ва катта ҳаётий тажрибага эга зиёлилардан 5-6 нафари, маҳаллага бириктирилган давлат солиқ инспекцияси ҳамда бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази вакилларидан иборат комиссиялар тузилиб жойларда иш билан таъминланишга бўлган реал эҳтиёж, тадбиркорлик субъектларининг янги иш ўринлари яратиш борасидаги имкониятлари, ҳудудларда бўш ва фойдаланилмай турган объектларни ишга тушириш, уларга тегишли маблағларни жалб этиш борасида таклифлар ишлаб чиқилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, шаҳарда аҳолининг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини қондириш, иш излаётган кишиларни иш билан таъминлаш борасида муайян механизм яратилган ва бу тизим ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Аммо, бу муаммоларнинг ечими тўла таъминланган дегани эмас албатта. Ҳали бу масалада ечим кутаётган саволлар етарли. Шулардан келиб чиқиб шаҳар ҳокимининг ўринбосари ўтказган «Қабул куни»да Тошкент шаҳар ҳокимлиги Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи Шерзод Рахманов, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи Фаррух Иноятов, Касбга тайёрлаш маркази раҳбари Абдуҳамид Мустагизов ҳамда «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Бахтиёр Исмановлар ҳам иштирок этишди ва фуқаролардан келиб тушган саволларга жавоблар беришди.

**Ал-Хоразмий мавзесидан Суюн Шерматов: Фарзандим коллежни тугатгандан сўнг, ишга жойлашишга мажбурми?**

**Ф. Зияев жавоби:** Коллежни битиргандан сўнг ҳар бир ота-она фарзандининг ишга жойлашишига тарафдор бўлиши керак. Сабаби, иш билан таъминлаш битирувчининг бандлиги, оиланинг ижтимоий тараққиётини таъминлайди. Шунинг учун ҳам бугунги кундаги ёшларимизга қаратилаётган эътиборнинг асосий мезони уларнинг бандлигидир.

**Коллеж битирувчиси Анвар Позилжонов: Агарда уч томонлама шартнома асосида бириктирилган корхонага ишга бормаса, битирувчига нисбатан чора кўриладими?**

**Ф. Зияев жавоби:** Уч томонлама шартнома битирувчи (ота-она), корхона ва таълим муассасаси ўртасида ўзаро келишув шартномасидир. Унда ҳамма томонларнинг розилиги акс эттирилган бўлиши лозим. Шу сабабли битирувчининг ишга шу шартнома асосида жойлашиши назарда тутилади. Агарда маълум сабабга кўра ушбу шартнома асосида ишга жойлаша олмаса шартнома бекор қилиниб, бошқа корхона билан шартнома расмийлаштирилиши мумкин. Энг аввало ўша шартномани имзолашда ҳар уч томон ўзаро маслаҳатлашган ҳолда бир тўхтамга келиши лозим.

**Юнусобод туманидан Собир Ўсаров саволи: Мен ўқишни тугатгандан сўнг, тузилган уч томонлама шартномага риоя этмай, мутлақо бошқа соҳада ишга жойлашишим мумкинми?**

**Ф. Иноятов жавоби:** Аввалambор, ўша уч томонлама шартномани ўзингиз истаган, сизга маъқул келган корхона ёки ташкилот билан тузишингиз оқилона иш бўлади.

Агарда Сиз шу пайтгача маълум бир сабабларга кўра, уч томонлама тузилган шартномадаги корхонага мурожаат этмаган бўлсангиз, бошқа корхона билан шундай шартнома тузиб ишга жойлашишингиз мумкин.

Бунинг учун уч томонлама шартномани ишга жойлашадиган корхона билан тузишингиз ёки тўғридан-тўғри ишга жойлашиб, бу ҳақда ўзингиз ўқишни тугатган коллеж маъмуриятига зарур ҳужжатларни тақдим этишингиз мақсадга мувофиқ (ишга жойлашганлигингиз тўғрисидаги буйруқдан ҳамда меҳнат дафтарчасидан нусха) бўлади.

**Ҳамза туманидан Ноиба Саломова саволи: Мен модельер дизайн йўналиши бўйича коллежни тугатиб, тикувчилик соҳасида тадбиркорлик фаолиятини юритмоқчиман. Банклардан имтиёзли кредит олмоқчиман, лекин банклар томонидан гаровсиз кредит берилмаслигини билдиришди. Менга бу ҳақда аниқ маълумот беришингизни сўрайман.**

**Ф. Иноятов жавоби:** Сиз якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш ва банклардан микрокредит олиш имкониятига эгасиз. Микрокредитлар банкдан якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан ошмайдиган миқдорда берилади. Кредитлар гаровсиз берилади. Бунинг учун учинчи шахснинг кафиллик бериши талаб этилади.

Бу ҳақида батафсил маълумотни ўзингиз таҳсил олаётган коллеж маъмурияти ёки яшаш жойингизга яқин бўлган тижорат банкларидан олишингиз мумкин.

**Миробод туманидан Фатхилла Муродов саволи: Фарзандим коллежни битиргандан сўнг олий таълим муассасасига ўқишга кирмоқчи, агар у контракт асосида ўқишга кирса, унинг контракти учун тўловни амалга оширишда банкларнинг имтиёзли кредитларига умид қилиш мумкинми?**

**Ф. Зияев жавоби:** Фарзандингиз коллежни битириб олий таълим муассасасига контракт асосида ўқишга кирса, банкларда таълим кредитлари мавжуд.

Имтиёзли, яъни фоизсиз кредитлар қуйидагиларга берилиши белгиланган:

— чин етимларга;
— Меҳрибонлик уйларида тарбияланганларга;
— болаликдан 1,2-гуруҳ ногиронларига.

Бундан ташқари мамлакатимизда фаолият юритаётган «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан эълон қилинган таълим грантларида иштирок этиб ютуқни қўлга киритсангиз ҳам имтиёзли кредитга эга бўлишингиз мумкин. Бу тўғрида батафсил маълумотларни «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг интернет сайтларидан олишингиз мумкин.

**Коллеж ўқувчиси Дониёр Ропиев саволи: Мен коллежни тугатганимдан сўнг савдо соҳасида якка тартибдаги тадбиркор сифатида фаолият юритмоқчиман. Унда меҳнат дафтарчаси очиладими?**

**Ф. Зияев жавоби:** Якка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятини тўлиқ расмийлаштирганингиздан сўнг яшаш манзили бўйича бюджетдан ташқари пенсия жамғармасининг туман бўлимларига мурожаат этишингиз лозим. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январда 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган **«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»**ги йўриқноманинг 2-бандига асосан, якка тартибдаги тадбиркорларга меҳнат дафтарчаси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари, пенсия жамғармасининг туман бўлимлари томонидан расмийлаштирилади ва шу жойда сақланади.

**Қорақамиш мавзесидан Наргиз Қосимова саволи: Квота иш ўринлари кимлар учун яратилади?**

**Ф. Зияев жавоби:** Квота иш ўринлари кам таъминланган, ногирон ва имконияти чекланган шахслар учун яратилади. Шу билан бирга, касб-ҳунар коллежига бириктирилган корхона ва ташкилотлар томонидан ўзаро келишув асосида коллеж битирувчиларига иш ўринлари олдиндан банд қилиб қўйилади (квоталанади).

**«Шаҳристон» маҳалласи фуқароси Мирабзал Собиров саволи: Уч томонлама шартнома асосида корхона ва ташкилотларга ишга жойлашгандан сўнг, қанча вақтда меҳнат дафтарчаси билан таъминланилади? Айрим корхоналарда 3 ой синов муддати давомида меҳнат дафтарчаси очилмайди дейилади. Шу тўғрими?**

**Ф. Зияев жавоби:** Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг 1.1-бандида меҳнат дафтарчасининг 5 кун муддатда очилиши белгилаб қўйилган. Бу синов муддати белгиланган тақдирда ҳам амал қилинади, яъни синов муддати билан ишга қабул қилинганда ҳам 5 кун ичида меҳнат дафтарчаси очилиши керак.

**«Оқлон» МФЙдан Ф. Муродов саволи: Мен ўзим якка тартибдаги тадбиркорман, фарзандим касб-ҳунар коллежини тамомлагач мен билан бирга иш фаолиятини давом эттириши мумкинми?**

**Ф. Зияев жавоби:** Албатта мумкин. Фақат қонунга мувофиқ унга меҳнат дафтарчаси юритилиши ва белгиланган тартибда пенсия жамғармаси йиғилиши учун у ҳам якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти учун патент олиши керак.

**Чилонзор туманидан фуқаро Фурқат Толибов саволи: Шифокор ташхиси бўйича фарзандимга жисмоний ҳаракатланишга рухсат берилмаган. Ушбу ҳолатда унинг бандлигини қандай тартибда таъминлашим мумкин?**

**Ф. Зияев жавоби:** Агар фарзандингиз 1-ёки 2-гуруҳ ногирони бўлса, у ишлашга мажбур эмас. 3-гуруҳ ногирони бўлса, ишлаши мумкин. Соғлиғи вақтинча ёмонлашган бўлса, 6 ой давомида даволаниши мумкин, ундан ортиқ ҳолатларда ногиронлик белгиланади.

**Учтепа тумани, Чилонзор 23-даҳаси, 56-уй, 41-хонадонда истиқомат қилувчи Мадина Умурзакова саволи: Ишсизларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш Ўқув марказида ўқиш даврида ўқувчилар қандай имтиёзлардан фойдаланадилар?**

**А. Мустагизов жавоби:** Имтиёзларнинг энг асосийси — ўқиш бепул, барча харажатлар давлат томонидан қопланади. Ўқиш даврида ўқувчиларга туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари томонидан қонунда белгиланган миқдорларда стипендия тўланади. Шу ўринда маълумот учун таъкидламоқчиманки, марказимизда ўқиш муддатлари ўқувчини Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан қандай касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малакасини ошириш учун йўлланганлигига қараб 1 ойдан 3 ойгача давом этади.

**Ҳамза туманидан Феруза Бекташева саволи: Ўқув марказида ишсиз фуқароларга касб-ҳунар сирлари кимлар томонидан ўргатилади?**

**А. Мустагизов жавоби:** Ишсиз фуқароларни касб маҳоратига ўргатиш Тошкент шаҳридаги Олий ва ўрта махсус таълим муассасаларининг ҳамда Ўқув марказимизнинг олий тоифали ўқитувчи ва ишлаб чиқариш усталари томонидан амалга оширилади.

Умуман олганда, марказимизда бирор жойда ўқимайдиган ёки иш билан банд бўлмаган ҳар қандай фуқаролар ўқишлари мумкин. Бу тоифадаги фуқаролар шартнома асосида ўқиб иккинчи касб эгаси бўлишлари ёки малакаларини оширишлари мумкин.

**Шайхонтоҳур тумани, Қоратош даҳаси, 60а-уй, 18-хонадондан Нигора Қудратова саволи: Шаҳримизда жойлашган корхона ва ташкилотлар ўз бўш иш ўринларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар тайёрлашга буюртма беришлари мумкинми?**

**Ф. Зияев жавоби:** Мумкин. 2011-2012 йилларда шаҳримизда фаолият бошлаган бир қатор кичик корхоналарга шартнома асосида тикувчи, чилангар ва электргазпайвандчилар, бошқа йўналишлар бўйича мутахассислар тайёрлаб беріляпти.

**Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Ш. Рашидов кўчаси, 19-уй, 7-хонадонда истиқомат қилувчи Рокия Исмаиловадан савол: Меҳнат дафтарчаларини олиш учун кимларга ва қаерга мурожаат қилиш керак?**

**Ф. Зияев жавоби:** «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби» тўғрисидаги йўриқномага асосан корхона, муассасалар ва ташкилотларда 5 кундан ортиқ ишлаган, шу жумладан муайян муддатларга ёлланганларга, шунингдек, ижтимоий суғурта қилиниши кўзланган тақдирда штатлар жадвалидан ташқари ходимларга ҳам юритилади, бунинг учун иш берувчи томонидан туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари билан олди-сотди шартномаси орқали сотиб олинади ва ходимларга меҳнат дафтарчаси иш берувчи томонидан юритилади.

Меҳнат дафтарчаларини иш берувчи юқорида айтиб ўтилган йўриқномага асосан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларидан сотиб олади ва юритади. Меҳнат дафтарчалари Давлат белгиси корхонасида ишлаб чиқилади, рақамланади, юритиш, сотиб олиш, ҳисоботни олиб бориш ва фойдаланиш тартибини бузган мансабдор шахслар эса қонунда белгиланган тартибда жавобгарликка тортиладилар.

**Сергели туманидаги «Қуйитоларик» маҳалласида яшовчи коллеж битирувчиси Аҳрор Куттибоевдан савол: Ишга жойлашиш учун қаерга мурожаат қилинади?**

**Ш. Рахманов жавоби:** Ҳар бир туман ҳудудида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари фаолият юритмоқда. Марказ мутахассислари иш сўраб мурожаат қилган фуқароларга бўш иш ўринларини таклиф этадилар, фуқаро ўзи танлаган ва мақбул келган ишга йўлланмалар асосида юборилади.

Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидламоқчиманки, 2011-2012 ўқув йилида касб-ҳунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар доирасида 38879 нафар битирувчини уч томонлама шартномалар асосида аниқ иш ўринларига тармоқлар кесимида, эгаллаган мутахассисликларига мувофиқ бириктирилган корхоналарга жойлаштириш кўзда тутилган, бундан ташқари битирувчилар учун 6883 та квота иш ўринлари банд қилиб қўйилган, алоҳида ҳолда 48719 та янги иш ўринлари яратиш режалаштирилган. Ҳозирда уларга мўлжалланган 14 мингдан зиёд бўш иш ўрни мавжуд.

**Ушбу саволга Ф. Иноятов қуйидагича қўшимча жавоб берди:** Ҳозирги кунда тасдиқланган режа-жадвалга мувофиқ барча касб-ҳунар коллежларида битирувчиларнинг ота-оналари билан учрашувлар ўтказиб борилмоқда. Бундан ташқари, январь-апрель ойларида Тошкент шаҳридаги 79 та касб-ҳунар коллежида жами 158 та махсуслаштирилган меҳнат ярмаркалари ташкил қилиниши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунгача улар базасида режадан ташқари 59 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиб, 783 нафар битирувчи ишга жойлашиш учун йўлланма олди.

**Ш. Рахманов:** Яна бир нарсани таъкидлаб ўтишни истардимки, биринчи марта ишга кириши учун фуқародан паспорт, турар жойидан маълумотнома, ҳарбий хизматга мажбурлар ёки чақирувчилардан тегишли ҳарбий билетни ёки ҳарбий ҳисобда турганлиги тўғрисидаги гувоҳномани, қонун ҳужжатларига мувофиқ махсус маълумотга ёки махсус тайёргарликка эга шахслардангина бажариш мумкин бўлган ишларга кираётганида олий ёки ўрта махсус ўқув юртини тамомлаганлик тўғрисидаги диплом талаб этилади.

**Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Ўрта овул кўчаси, 4-уй, 15-хонадонда яшовчи Мавлудахон Батирова саволи: Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларида хизматлар бепулми?**

**Ш. Рахманов жавоби:** Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш марказларида барча хизматлар бепул.

**Мирзо Улуғбек тумани, Садаф кўчаси, 23-хонадонда яшовчи Нигора Носированинг саволи: Агар қизим ўз мутахассислиги бўйича ишга жойлашишни хоҳламаса, Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказлари орқали қизимни бошқа мутахассислик бўйича ўқитишим мумкинми? Ўқитиш муддати қанча ва ўқув курсларига пул тўланадими?**

**Ш. Рахманов жавоби:** Ишсиз фуқаролар томонидан Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказларига мурожаат қилинса, бунда ўз мутахассислиги бўйича бўш иш ўринлари мавжуд бўлмаса ёки таклиф қилинган ишлар мутахассислигига тўғри келмаса марказлар орқали Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси қошида фаолият юритаётган 26 хил йўналиш бўйича ўқув марказларига йўлланмалар орқали юборилади, бу ерда ўқув курсларида ўқитиш бепул амалга оширилади ва кейинчалик бандлигини таъминлашга кўмаклашилади.

**«Қабул куни»да иштирок этган «Маҳалла» хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими раисининг ўринбосари Б. Исманов ушбу мавзуга тўхталиб шундай деди:** Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2011 йил 27 майдаги «Маҳаллаларда кичик бизнес ва оилавий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармойишига биноан Тошкент шаҳридаги 476 та маҳаллаларда иш билан банд бўлмаган аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлаш ишлари кенг кўламда амалга оширилмоқда.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи меҳнатга лаёқатли, ҳозирги кунда иш билан банд бўлмаган фуқаролар, корхона ташкилотлар раҳбарлари, зиёлилар, тадбиркорлар, ишбилармонлар, давлат идораларининг масъул ходимлари рўйхатлари тузилди.

Йил бошидан аниқланган 23 558 нафар банд бўлмаган фуқародан 15 089 нафари иш билан таъминланди. Бу ишлар маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан ҳамкорликда амалга ошириб келинмоқда.

«Маҳалла» хайрия жамоат фондининг 2011 йил 26 декабрда бўлиб ўтган 5-ҳисобот сайлов конференциясида билдирилган таклиф ва мулоҳазалар бўйича Тошкент шаҳридаги маҳалла фуқаролар йиғинларида жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Кенгаш таркибига шаҳримизда истиқомат қилувчи обрў-эътиборли зиёлилар, ёзувчилар, санъаткорлар ҳамда катта ҳаёт тажрибасига эга бўлган фидойи кишилар жалб этилди. Ушбу кенгашлар фаолиятида ҳам аҳолининг иш билан бандлиги масаласи энг асосий вазифалардан бири сифатида кўриб чиқилмоқда.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф. Зияев тадбир якунида мазкур масаланинг долзарблигини эътиборга олган ҳолда йил давомида яна бир бор ушбу мавзуда «Қабул куни»ни ташкил этиш мақсадга мувофиқ бўлишини билдирди. Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати тегишли ташкилот ва муассасалар билан ҳамкорликда келишилган ҳолда мавзуга қайтишни режалаштирмоқда.

**Ҳусан ЭРМАТОВ,**
**Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ахборот хизмати раҳбари**

